

Islom.uz порталида «Қадам» лойиҳасининг илк сони ўтказилди



18:28 / 01.03.2021 1365

Бугун 1 март куни «Қадам» лойиҳасининг илк мусобақаси ўтказилди. Мусобақа Чилонзор туманидаги «Ҳилол-нашр» нашриётининг бош дўконида бўлиб ўтди. Мусобақа иштирокчиларига фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ қаламларига мансуб «Иймон» китоби асосида саволлар берилди.



Барчамиз учун хайрли бўлган ушбу лойиҳа islom.uz портали жамоаси ва «Ҳилол-нашр» нашриёти томонидан ташкил этилди. Мусобақани islom.uz ходимлари бошловчи Қамариддин Бекмуҳаммад ва Ёрқин Халил олиб бордилар.



«Қадам» лойиҳасининг асосий мақсади фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг илмий меросларини кенг оммага тақдим этиш, асарларидаги юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган жиҳатларини тадқиқ қилиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш, халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, халқига, Ватанига садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.



Мусобақа жараёнида иштирокчилар «Иймон» китоби асосида тузилган саволларга аниқ ва лўнда жавоб бердилар. Бу ҳам халқимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг илмга бўлган ихлоси, иймон-эътиқоди, китобга бўлган қизиқишини кўрсатади. «Қадам» кўрсатувининг илк сонидида кўпчилик иштирокчилар ғолиб бўлдилар. Ғолибларга «Ҳилол-нашр» нашриёти томонидан китоблар ва эсдалик совғалар топширилди.

Сиз ҳам «Қадам» лойиҳаси мусобақасининг навбатдаги иштирокчиси бўлмоқчимисиз? Унда [islom.uz](https://www.islom.uz) порталининг ижтимоий саҳифаларини кузатиб боринг. Навбатдаги кўрсатувни ўтказиб юборманг!

Ижтимоий тармоқдаги манзилларимиз:

Telegram (https://t.me/joinchat/AAAAAEHZQeuVw_Jq0k57Bw)

Facebook (<https://www.facebook.com/www.islom.uz>)

Instagram (https://www.instagram.com/islomuz_kanal/)

Youtube (https://www.youtube.com/user/islomuz?sub_confirmation=1)

Аллоҳ таоло барчаларимиздан Ўзи рози бўлсин!

Islom.uz сайти